

## А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2023 йил сентябрь ойининг 12 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман суди, “Жарарик” м.ф.й. биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи судья А.Абдулхаев, судья ёрдамчиси Б.Абдуллаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Шайхонтохур туман прокурорининг ўринбосари М.Шукуруллаева, судланувчи М.Закиров, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилган ҳимоячиси, “Shayxontohur Advokatlari” адвокатлар ҳайъати адвокати У.Якубова, жабрланувчи Г.Умматоваларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 2-қисми билан айбланган

24.11.1984 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оиласидан ажрашган, вақтинча ишсиз, муқаддам судланган, жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман судининг 05.07.2021 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 1-қисми билан 1 йил муддатга озо дликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Пискент туман судининг 10.09.2021 йилдаги ажримига кўра, ўталмай қолган 8 ой 21 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖКнинг 74-моддасига асосан иш ҳақининг 15 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ихлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман судининг 15.02.2022 йилдаги ажримига кўра, ўталмаган 8 ой 21 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ЖКнинг 46-моддасига асосан озодликни чеклаш жазосига алмаштирилган, жазо муддати тугаган, ЖКнинг 78-моддаси талабида судланганлик ҳолати тугалланмаган, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, “Жарарик” м.ф.й, Боғ кўчаси, 84-уйда истиқомат қилувчи, иш бўйича муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги эҳтиёт чораси қўлланган, айблов ҳулосаси нусхасини 24.07.2022 йилда олган, **Закиров Мадийёр Бахтиярович (Zakirov Madiyor Baxtiyarovich)**га

нисбатан 1-1003-2204/622-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, суд тарафларнинг кўрсатувларини, ишда қатнашаётган прокурор фикрини эшитиб, жиноят иш ҳужжатларини атрофлича текшириб чиқиб, қуйидагиларни

### а н и қ л а д и:

Дастлабки тергов ҳужжатларига кўра, судланувчи М.Закиров, ҳавфли рецидивист бўла туриб, фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтохур туманлараро судининг 18.01.2016 йилдаги СБ-28/16-сонли суд буйруғига асосан ундирувчи Умматова Гулчехра Сабитовнанинг фойдасига вояга етмаган икки нафар: 27.05.2009 йилда туғилган, Бахтиёрова Муслимахон Мадийёр кизи, 15.07.2012 йилда туғилган Бахтиёров Абдулбосид Мадийёр ўғли исмли фарзандларининг моддий таъминоти учун улар вояга етгунга қадар қарздорнинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадининг 1/3 қисми миқдорида алимент 18.01.2016 йилдан бошлаб ундириш белгиланган.

М.Закиров жиноий жавобгарликка тортилганидан сўнг ҳам ўзига тегишли ҳулоса чиқармасдан ва вояга етмаган шахсларни моддий таъминлаш чорасини кўрмасдан, яна жабрланувчи Г.Умматова фойдасига ундирилиши лозим бўлган маблағни 01.02.2021 йилдан 01.06.2023 йилгача жами икки ойдан ортиқ муддат мобайнида алимент тўлашдан қасдан бўйин товлаб келганлиги натижасида алимент қарздорлиги 20.390.099 сўмни ташкил қилган.

Суд мажлисида судланувчи М.Закиров ва жабрланувчи Г.Умматовалар ариза билан мурожаат қилиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.



Судланувчи М.Закировга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 2-қисми билан айб эълон қилинган ва жиноят иши айблов далолатномаси билан судга тақдим этилган.

Судланувчи М.Закиров суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи ва унинг қонуний вакили Г.Умматова билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Г.Умматова суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, М.Закировга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув суд тарафидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ ЖК 122-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи Г.Умматова ҳамда судланувчи М.Закировнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Шайхонтоҳур туман прокурори ёрдамчисининг ҳамда ҳимоячининг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, судланувчи М.Закировни айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи Г.Умматова ва судланувчи М.Закировга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув тарафларнинг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инобатга олиб, М.Закировга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи Г.Умматовага Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд тарафидан тасдиқланганидан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқни йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 423, 497<sup>11</sup>, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

#### **а ж р и м   қ и л а д и,**

Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 2-қисми билан судланувчи **Закиров Мадийёр Бахтиярович (Zakirov Madiyor Baxtiyarovich)**га нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисми тартибида тугатилсин.

М.Закировга қўлланган эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчи Г.Умматовага етказилган зарар қопланганлиги инобатга олинсин.

Жабрланувчи Г.Умматовага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқотилиши тушунтирилсин.

Биринчи инстанция судининг ажрими устидан у чиқарилган кундан эътиборан йигирма кунлик муддатда ЖПКнинг 497<sup>2</sup>-моддасида назарда тутилган шахслар томонидан хусусий шикоят ёки хусусий протест берилиши мумкин.

**Раислик қилувчи судья:**

